## • УЛОҚ •



А. ТУРАЕВ сурат-лавҳаси.

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

## «ЁНАЁТГАН ЮРАК НИДОСИ»

БЎКА район «Дугоҳ» ашула ва рақс халқ дастаси жамоаси мумтоз шоира Нодирабегим таваллудининг 200 йиллигига бағишлаб «Ёнаётган юрак нидоси» деб номланган адабий мусиқали композиция тайёрлаб мухлислар эътиборига ҳавола этдилар. Мақомчилар дастасининг мазкур дастури томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Нодирабегимнинг ўлмас ғазаллари ҳаваскорлар ижросида ўзгача жарангини топиб, қўшиқ шинавандалари қалбини яна бир бора ҳаяжонга сола олди. Ҳаваскор артистлардан Адҳам Ҳожиев, Зафар Расулов, Шавкат Сафаров, Мунаввар Маманазаровлар томонидан ижро этилган «Фиғон», «Оқибат», «Фироқнома»лар томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Мусиқий дастурни Зиёд Сайдуллаев саҳналаштирган.

## «ОЛАМ КУЙ ОҲАНГИДА»

ОҚҚЎРҒОН район марказий маданият уйи қошидаги болалар рақс дастаси «Олам куй оҳангида» деб номланган дунё рақслари дастурини томошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Зумрад Қосимова раҳбарлигида саҳналаштирилган бу концерт кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлмоқда. Ҳаваскор рақќосалардан Дилноза Мирзаева, Муҳайё Мақсудова, Саодат Саидакбарова, Сурайё Содиқовалар ижросидаги эронча, ўзбекча, арабча, ҳиндча рақслар жозибадорлиги, ранг-баранглиги билан кўтаринки руҳ бағишламоқда. Концерт дастурига Жалол Қурбонов раҳбарлигидаги чолғучилар ансамбли жўр бўлмоқдалар.

**Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ,**
**Маданият ишлари вазирлигининг ахборот маркази ходими.**

*• Тўйлар ҳақида ўйлар*

# ПУЛ СОЧИШ ШАРТМИ?

Ҳар ким ўзининг ниятига, орзусига эришиш учун интилади. Тўй қилиш орзусида йил ўн икки ой, балким ундан ҳам кўпроқ вақт топган-тутганини йиғиб-теради. Аммо бозор иқтисодиёти даврида тўй қилиш қанчалик оғир бўлса-да, барибир исрофгарчилик, манманликка йўл қўйилмоқда. Айниқса, авжи тўй қизиган бир пайтда пул сочишга нима дейсиз!

Яқинда янгиободлик бир дўстимиз ўзининг ва турмуш ўртоғининг юбилей кечасига таклиф қилди. Юбилей кечасига боргач, билдикки, ўғлининг билим юртидаги ўқишини ташлаб, автомобилларга ёқилғи қуйиш жойига ишга кирганлигини ҳам «юваётган» экан. Мусиқачи-ю қўшиқчилар ҳам етарли эди. Ўтириш охирига етгач, бензин қуйиш жойларида ишловчи беш-олти нафар йигитлар туришиб, ким ўзарга 5, 10, 25 сўмлик пачкали пулларни очиб, ўйнаётган уч-тўрт ёш болалар устидан сочиб ўтишди.

Қаранг, оғайниларининг ишга кирганини ювишига, унинг ота-оналари юбилейига қуруқ келган бойваччаларнинг тантилигини. Чўнтаклари пулга тўла бундай бойваччалар шу куни 5—8 ёшли болаларга шундай «ҳотамтойлик» қилишди. Болаларнинг ҳар бири икки қўлида тўла пул билан кўчага чопишди.

Бундай ҳолни ҳозир кўпгина тўйларда учратиш мумкин. Тўй қиладиганлар эса ўзгалардан менинг нимам кам дегандай бирбирларидан ўзишга интилишяпти.

Яна бир мулоҳаза. Тўйларда давраии бошқарувчи келин ва куёвнинг оналарини ўртага чиқариб, рақсга тушишга таклиф этади. Хўш, шундай қилиш шартмикан? Ахир, бундан фақат отарчиларгина манфаатдор бўлишади: пул кўпроқ қистирилади. Ҳамма нарсада меъёр, одоб ва ибони сақлаганимиз маъқул деб ўйлаймиз. Зеро, икки ёшнинг тўй кечаси саёқ «санъаткорлар»га катта пул ишлаш мақсадида ўтказилмайди.

Бизнингча, жойлардаги маҳалла фаоллари, хотин-қизлар кенгашлари вакиллари ва умуман кенг жамоатчилик тўйларни хусусан ҳозирги шароитда ихчам, исрофгарчиликсиз, ширингина қилиб ўтказишни ўз қўлларига олишлари керак.

**Исматулла РУСТАМОВ,**
**хизматчи.**

## Янгича ном билан аталди

Пойтахтимиз Тошкентда бир неча болалар уйлари мавжуд. Лекин уларда тарбия топаётган болаларнинг айрим қисмигина тирик етимлар ҳисобланади. Қолганлари эса у ёки бу сабабларга кўра ота-оналари ташлаб кетган ўғил-қизлардир.

Масаланинг ана шу томони инобатга олиниб, болалар уйларини раҳм-шафқат уйлари деб аташ лозим деб топилди. Тошкентдаги болалар уйлари ва интернатлари раҳбарларининг яқинда бўлиб ўтган шаҳар йиғилишида ана шу фикр билдирилди.

Йиғилиш иштирокчилари шаҳримиздаги 21-болалар уйи иш тажрибаси билан ҳам яқиндан танишдилар. Бу даргоҳда йўлга қўйилган ибратли тарбиявий тадбирларни кўпчилик маъқуллади.

**С. ОДИЛОВА.**

*• Ҳодиса •*

# ХЎРОЗ ЖАНГИ ВА... АЖАЛ

Куни кеча Ҳасанбой қишлоғида қизил мато ўралган бир эмас, тўрт тобут кўтарилди. Фарзанд доғида куйган оналар фарёди юракларни зирқиратди. 25—30 ёшли йигитларнинг дунёдан бевақт кўз юмишига нима сабаб бўлди?

...Шанба куни эди. Тиркагич араваси олиб ташланган «КаМАЗ» машинасининг тарақа-туруқи қишлоқ тинчини бузди. Уни қишлоқ хўжалик вазирлигига қарашли бошқарманинг Ҳасанбойдаги устахонасида ишлайдиган Муродилла Убайдуллаев бошқариб борарди. У машинани гараждан рухсатсиз олиб чиқиб кетаётган эди.

Эртаси куни эса Муродилла икки-уч нафар улфатини Кўктеракка хўроз уриштиришни томоша қилишга олиб борди. Қайтишда яна бошқа ҳамқишлоқларини учратиб қолди. Муродилла уларнинг ҳам кабинага чиқиб олишига монелик қилмади. Олти киши бир кабинага жо бўлишди. Шунда машина ҳайдовчига бўйсунмай, ён томондаги ариққа ағдарилиб кетди.

Муродилланинг қилмиши тўрт нафар дўстининг бевақт ўлимига сабаб бўлди. Ўзи эса оғир жароҳатланиб, касалхонага тушди.

**П. НИШОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

### ЭНГ ҚИСҚА АТАМАЛИ

### ШАҲАРЛАР

● ФРАНЦИЯНИНГ шимолида атамаси кишини ҳайрон қолдирадиган бир шаҳар бор. Тажжубланарлиси шундаки, у атиги битта харф билан ифодаланади. У ҳам бўлса И шаҳридир. Норвеж денгизидаги Лофотен ороллари аҳолиси эса шаҳарчанинг атамаси сифатида танҳо А харфини танлаган. Олмониянинг Шимолий Рейн-Вестфалия вилоятидан оқиб ўтадиган дарёнинг атамаси ҳам шу битта ҳарфдан иборат.

Жанубий Африкада нашр этиладиган «Стар» газетаси шундай қизиқ номлар ҳақида ёзар экан, атамаси энг узун бўлган бир қишлоқни ҳам мисолга келтиради. Унда ёзилишича, XIX аср ўрталарида Уэльс (Англия)да оддий бир қишлоқ бўлган. Шу ердаги маҳаллий меҳмонхона эгаси аҳолини қишлоқ атамасини ўзгартишга кўндирган. Янги атамаси таржима қилинганда шундай бўлган: «Қизил ғор ёнида Хлантасимодаги чуқур камар соҳилидаги ёнғоқзор водийсидаги авлиё қиз Мария черкови».

✦

### АФСУНГАРЛАРНИ ФОШ ҚИЛМОҚДА

● МЕН афсунгарларни тушимда билиб оламан,— деди журналистлар билан учрашувда кениялик Вало Тсумо. Унинг бу ҳислати катта фойда келтирмоқда. Бир ҳафта ичида у кўрган тушлар эвазига 16-жодугар фош қилиниб, ҳибсга олинди. Бундай алдамчиларнинг зарарли фаолиятини фош этувчи далиллар, чунончи, кишиларнинг айрим аъзолари топилди. Улар бундан турли афсунгарлик ишларида ва ҳар хил сеҳрли «дорилар» тайёрлашда фойдаланишган.

Вало Тсумонинг бундай қобилияти хавфсизлик органлари эътиборидан четда қолмаса керак, деб ҳисобламоқдалар. У ўз тушида жиноятчи ва фитначиларни ҳам фош қилиши мумкин.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси ва Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент ташкилоти жамоалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот котиби Ш. Ғ. Яхъёевга волидаи муҳтарамаси

**Муҳаррам ЯХЪЁЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида А—3 форматида босилади. ●

Буюртма — Г-284. Индекс: 64672. Тиражи 31650. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди—20.00. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12